

**БОЛАЛАР КАСАЛЛИКЛАРИНИ  
ИНТЕГРИРЛАШГАН УСУЛДА  
ОЛИБ БОРИШ**

**КЕЙИНГИ КУЗАТУВ**

**Жаҳон Соғлиқни Сақлаш  
Ташкилоти, Бола соғлиги ва  
Ривожланиш бўлими (СНД).  
Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

**ЮНИСЕФ**

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI  
TIBBIY TA'LIMNI RIVOJLANTIRISH MARKAZI  
RESPUBLIKA IXTISOSLASHTIRILGAN PEDIATRIYA  
ILMIY -AMALIY TIBBIYET MARKAZI

“TASDIQLAYMAN”

ЎзР ССВ Фан ва ўқув юртлари  
бош бошкармаси бошлиғи  
т.ф.д. Ў.С.Исмаилов

2013 й. к. 26  
№ 5 баённома



“КЕЛИШИЛДИ”

ЎзР ССВ Тиббий таълимни  
ривожлантириш маркази  
директори

М. Х. Алимова  
2013 й. к. 26  
№ 5 баённома



Болалар касалликларини интегрирлашган усулда  
олиб бориш


Кейинги кузатув

Болалар касалликларини интегрирлашган усулда олиб бориш  
бўйича

ЖССТ томонидан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси  
мутахассислари томонидан мослаштирилган

ЎҚУВ КУРСИ

Тошкент 2013



## Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти 1998

Ушбу ҳужжат кенг омма учун чоп этишга мўлжалланмаган бўлиб, барча ҳуқуқлар Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотига тегишлидир. (ЖССТ). Ушбу ҳужжат ЖССТ-нинг олдиндан берилган ёзма рухсатисиз тўлиқ ёки қисман таржима этилиши, эркин ҳолда тўпламлар ва рефератлар учун фойдаланилиши мумкин эмас. Ушбу ҳужжатнинг бирорта қисми ҳам, ЖССТ-нинг олдиндан берилган рухсатисиз, маълумотлар базасида сақланиши, ёки барча-механик, электрон ёки бошқа йуллар билан узатилиши мумкин эмас.

«Болалар касалликларини интегрирлашган усулда олиб бориш» ўқув курси Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг Бола Соғлиги ва Ривожланиш Бўлими (СНД) ва ЮНИСЕФ томонидан АСТ International, Атланта, Жоржия, АҚШ, билан шартнома асосида тайёрланган.

Ушбу қўлланма, Болалар касалликларини интегрирлашган усулда олиб бориш стратегияси бўйича миллий тренерлар т.ф.д. З.Е. Умарназарова, т.ф.д. И.М. Ахмедова, т.ф.н. Г.Б. Утепова томонидан матнлар асосида қайтадан ЖССТ охириги тавсиялари асосида янгиланди ва қайта чоп этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институти).

Ўқув курси бирламчи бўғин тизими, болалар тиббиёт муассасалари, шунингдек тиббиёт олий ўқув юртлари, ўрта махсус ўқув юртлари ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ўқув дастурларига киритиш учун мўлжалланган.

Тақризчилар: Э.А. Шомансурова, т.ф.д., ТошПТИнинг амбулатория тиббиёти кафедраси мудири

К.Ш. Салихова, т.ф.н. ЎзРССВ РИПИАТ Маркази илмий-ишлар бўйича директор муовини

Ўқув курси ЎзР ССВ РИПИАТ Марказида 2013 йил 14 мартдаги Илмий Кенгашида кўриб чиқилди ва тасдиқланди, 3-мажлис баённомаси.

Илмий котиба т.ф.н.



Д.С. Арипова

<b>МУҚАДДИМА.....</b>	<b>5</b>
<b>1.0. ПНЕВМОНИЯДА КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ЎТКАЗИНГ .....</b>	<b>8</b>
<b>МАШҚ А.....</b>	<b>9</b>
<b>2.0. ЧЎЗИЛУВЧАН ДИАРЕЯДА КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ЎТКАЗИНГ .....</b>	<b>11</b>
<b>МАШҚ Б.....</b>	<b>12</b>
<b>3.0. ИСИТМАДА КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ЎТКАЗИНГ .....</b>	<b>15</b>
<b>МАШҚ В.....</b>	<b>17</b>
<b>4.0. КЎЗ ВА ОҒИЗГА АСОРАТ БЕРГАН ҚИЗАМИҚДА КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ЎТКАЗИНГ .....</b>	<b>20</b>
<b>5.0. СТРЕПТОКККЛИ ФАРИНГИТДА КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ЎТКАЗИНГ .....</b>	<b>21</b>
<b>6.0. ҚУЛОҚ ИНФЕКЦИЯСИДА КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ЎТКАЗИНГ .....</b>	<b>22</b>
<b>7.0. БОЛАНИ ОВҚАТЛАНТИРИШ ХУСУСИДА МУАММОЛАР БЎЛГАНИДА КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ЎТКАЗИНГ .....</b>	<b>23</b>
<b>8.0. КАМҚОНЛИҚДА КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ЎТКАЗИНГ .....</b>	<b>24</b>
<b>9.0. КАМВАЗНЛИҚДА КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ЎТКАЗИНГ .....</b>	<b>24</b>
<b>МАШҚ Г.....</b>	<b>26</b>

## МУҚАДДИМА

Касал болаларнинг баъзилари, уларни кейин кузатиб бориш учун, тиббий ходимга учрашиб туриши керак. Болани яна кўрсатиш учун тиббий муассасага қачон келиб кетиш кераклигини (масалан, 2 ёки 14 кундан кейин) тиббий ходимлар онасига тушунтириб беришлари лозим. Болани кейинги сафар кўздан кечириш маҳалида тиббий ходим буюрилган дори препарати ёки даво боланинг аҳволи яхшиланишига ёрдам берганми-йўқми, текшириб кўриши мумкин. Баъзи болаларнинг организми маълум бир антибактериал препаратга бефарқ бўлиб қолавериши мумкин, ана шундай маҳалда Сиз бошқа воситани ишлатиб кўришингиз керак. Анчадан бери ич кетар бўлиб юрган болалар ҳам яна келиб кўринишлари керак, токи ич кетар барҳам топган-топмаганини билиб олиш лозим. Иситмалаган болаларни, агар уларнинг аҳволи тузалмаган бўлсагина, қайта кўриш керак. Дуруст эммайдиган ёки овқатни яхши емайдиган болаларни кейин яна кузатиб бориш айниқса муҳим, бу нарса боланинг тўғри овқатланиб, вазнига вазн қўшилиб бораётгани-йўқми, текшириб кўришга имкон беради.

Кейинги кузатувнинг муҳимлигини ҳисобга олиб туриб, кейинги ташрифларнинг Сиз ишлаб турган тиббий муассасада оналарга қулай бўлиши учун ҳамма шароитларни таъминлаб бериш зарур. Имкони бўлса, кейинги ташриф маҳалида оналар навбат кутиб турмайдиган бўлишсин. Баъзи тиббий муассасалар кейинги кузатув учун келадиган болаларнинг амбулатория карталарини қидириб топишни енгиллаштирадиган системадан фойдаланади.

Кейинги ташриф пайтида Сиз боланинг мазкур муаммо юзасидан биринчи марта келган вақтида қилган ҳаракатларингиздан кўра бошқача ҳаракатларни қилишингиз керак. Кейинги ташриф пайтида буюриладиган даво турлари биринчи ташриф вақтида буюрилган даводан кўпинча бошқача бўлади.

## ЎҚИТИШДАН МАҚСАД

Мазкур модулда бола кейинги сафар тиббий муассасага келганида нималар қилиш кераклиги баён этилади. Бу модул аҳволи ёмонлашиб қолгани учун тиббий муассасага яна келадиган болаларга мўлжалланган эмас. Бундай болалар биринчи марта келганида қай тариха текшириладиган бўлса, бу сафар ҳам худди шундай текшириб кўрилиши керак. Мазкур модулда кейинги ташриф босқичларини машқ қилиб бажариб кўриш учун Сизга имкон берилади:

- Боланинг шу сафар келгани кейинги кузатувми ёки йўқми, билиб олиш керак.
- Болани кейинги кузатувга олиб келишган бўлса, бола касаллигининг олдинги таснифи учун кейинги кузатув рамкасида санаб ўтилган белгиларни баҳолаб чиқиш лозим.
- Боладаги касаллик белгиларига қараб даво йўлини танлаш зарур.
- Болада янги муаммолар пайдо бўлган бўлса, уни худди биринчи ташриф маҳалидагидек баҳолашингиз ва таснифлаб чиқишингиз лозим.

***Кейинги кузатув касал болани даволаб бориш схемасининг қайси бўлимида муҳокама қилинади?***

***БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ*** схемасининг «Давони белгиланг» устунчасидаги баъзи касалликлар хусусида кейинги кузатув учун қачон келиш кераклигини онага тушунтириб беришга оид йўл-йўриқлар кўрсатилган. ***МАСЛАҲАТ БЕРИНГ*** схемасининг «Яна қачон келиш керак» деган рамкасида кейинги ташрифлар графиги қисқача санаб ўтилган.

Ҳар бир кейинги ташрифни ўтказиш юзасидан махсус йўл-йўриқлар *БОЛАНИ ДАВОЛАНГ* схемасининг «Кейинги кузатувни амалга оширинг» бўлимида келтирилган. Унинг ҳар бир қисмида болага қай тарих баҳо бериш ва даво қилиш тушунтириб берилади. Давони олиб боришга доир йўл-йўриқлар *БОЛАНИ ДАВОЛАНГ* схемасида келтирилган.

Гўдак болалар хусусида кейинги кузатув олиб боришга доир йўл-йўриқлар *ГЎДАК БОЛА* схемасида келтирилган.

***Кейинги кузатув учун тиббий муассасага яна келган бола хусусида нималар қилиш керак:***

Ҳар галдагидек, боланинг муаммолари тўғрисида онасидан сўраб-суриштириб кўринг. Мазкур касаллик юзасидан бола илгари ҳам келганми ёки энди биринчи марта келишими, шуни билиб олишингиз керак. Унинг бу ташрифи биринчи ёки такрорийлигини аниқлашнинг усули Сиз ишлаб турган тиббий муассасада беморларни ҳисобга олиш қай тариха юритилишига ва беморнинг нима учун ёрдам сўраб келганини тиббий ходим қандай билиб олишига боғлиқ.

Масалан, она Сизга ёки бошқа тиббий ходимга “аниқ бир муаммо юзасидан тиббий муассасага яна келишимни илтимос қилишган эди” деб айтиши мумкин. Сиз ишлаб турган муассасада оналарга шу муассасага яна қачон келиш кераклиги кўрсатиб қўйилган эсдалик хати бериладиган бўлса, ўша хатни кўрсатишни онадан илтимос қилинг. Сиз ишлаб турган тиббий муассасада ҳар бир бемор учун касаллик тарихи очиладиган бўлса, у ҳолда Сиз мазкур боланинг бир неча кун илгари худди шу касаллик юзасидан текшириб кўрилганини билиб оласиз.

Болани тиббий муассасага кейинги кузатув учун олиб келишганини билиб олганингиздан сўнг болада янги муаммолар пайдо бўлганми ёки йўқми, онасидан сўраб, суриштириб кўринг. Масалан, пневмония маҳалида болани кейинги кузатув учун олиб келишган, лекин унда яна ич кетар (диарея) ҳам бошланиб қолган, демак, бу болада янги муаммо пайдо бўлган. Бундай боланинг аҳволини тўла-тўқис текшириб кўриш зарур бўлади. Умумий хавф белгилари бор-йўқлигини текшириб кўринг, барча асосий симптомларни баҳоланг. Боладаги диарея (янги муаммо)ни, худди биринчи ташриф вақтидагидек, таснифлаб, даволанг. Пневмонияга такрор марта баҳо беринг ва схеманинг кейинги кузатув қисмига мувофиқ даво қилинг.

Болада янги муаммо бўлмаса, схемадан боланинг олдинги таснифига мувофиқ келадиган кейинги кузатув рамкасини топинг. Сўнгра схеманинг шу қисмида – рамкада келтирилган йўл-йўриқларга амал қилинг.

- Схеманинг кейинги кузатув рамкасидаги йўл-йўриқларга мувофиқ, боланинг аҳволига баҳо беринг. Сизга, *БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ* схемасида баён этилганидек, асосий симптомни баҳолаш керак бўлар, балки. Сизга қўшимча белгиларни ҳам баҳолаш керак бўлар, балки.

**Эслатма:** Асосий симптомни таснифлаш учун тасниф жадвалидан фойдаланманг. *БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ* схемасида «Таснифланг» ва «Давони белгиланг» устунчаларини ўтказиб юборинг. Бу – болага фойдаси йўқ такрорий даво турларини буюришдан эҳтиёт бўлиш учун имкон беради. Битта истисно бор: болада қандай бўлмасин бирор турдаги диарея бўлса, Сиз диареяни худди биринчи ташриф вақтидагидек таснифлашингиз ва даволашингиз керак.

- Тўғри келадиган давони танлаш учун боладаги белгилар тўғрисидаги маълумотдан фойдаланинг.
- Даволаш ишини олиб боринг.

Йўталаётган ёки ичи кетаётган бола аҳволи 5 кундан кейин ҳам яхшиланмагани учун онаси уни яна тиббий муассасага олиб келган бўлса (аввалги сафар келганида бу болада дизентерия ёки чўзилувчан диарея ходисаси йўқ эди), уни тўла-тўқис текшириб, аҳволини баҳоланг.

Буюрилган даво кўнгилдагидек қор қилмайдиган сурункали касалликлари бор болаларнинг баъзилари тиббий муассасага неча марталаб такрор-такрор келаверади. Масалан, ОИТС (СПИД) билан касалланган баъзи болаларда чўзилувчан диарея ёки қайталанаверадиган пневмония ҳоллари бўлиши мумкин. ОИТС билан оғриган болалар организми пневмония давосидан дурустроқ даво тополмаслиги ва шунинг учун уларда йўлдош инфекциялар бошланиши мумкин. Бундай болалар, агар уларнинг аҳволи яхшиланмаса, касалхонага юборилиши керак. ОИТС касаллигининг дастлабки босқичидаги болалар бу вирус билан касалланмаган болалардан деярли клиник жиҳатдан фарқ қилмайди. Бундай болалар пневмония билан оғриб қолса, уларни стандарт даво усуллари билан даволаш мумкин.

**Мухими:** Кейинги кузатув учун олиб келинган болада бир нечта касаллик бўлсаю, аҳволи яхшиланавермаса, бу БОЛАНИ КАСАЛХОНАГА ЮБОРИНГ. Агар Сиз боланинг аҳволидан хавотирланаётган бўлсангиз, ёхуд болага қандай ёрдам беришни билмасангиз, мана шундай ҳолларда ҳам болани касалхонага юборишингиз керак. Даводан кейин боланинг аҳволи яхшиланмаган бўлса, бу болада схемада кўрсатилмаган қандайдир бошқа бирор касаллик бўлиши мумкин. Бундай бола бошқача давога муҳтож бўлиши мумкин.

---

**Эсингизда бўлсин:**

Болада қандайдир янги бир муаммо бўлса,  
уни худди биринчи ташриф вақтидагидек текшириб  
кўриб, аҳволини баҳолаб чиқишингиз керак!

---

## 1.0. ПНЕВМОНИЯДА КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ЎТКАЗИНГ

ПНЕВМОНИЯ билан оғриган бола кейинги кузатув учун 2 кундан сўнг яна тиббий муассасага келганида қуйидаги йўл-йўриқларга амал қилишингиз керак:

Суриштириб кўринг:

- Боланинг нафас олиши секинлашдими?
- Иситмаси пасайдими?
- Иштаҳаси яхшиландими?

Боланинг аҳволига баҳо бериб чиққанингиздан кейин тўғри келадиган давони танлаш учун боладаги белгилар тўғрисидаги ахборотдан фойдаланинг.

- Болада **кўкрак қафасининг тортилиши ёки ҳар қандай умумий хавф белгиси** топиладиган бўлса (бола сув ича олмайдиган ёки эма олмайдиган, ҳар қандай овқат ёки сув ичганидан кейин қусадиган, шайтонлаш, летаргик ҳолатда ёки хушсиз бўлса), демак, боланинг аҳволи **оғирлашиб қолган**. Бу ҳолатдаги болани зудлик билан касалхонага жўнатиш зарур. Касалликка антибактериал препарат билан даво қилинганидан кейин ҳам боланинг аҳволи ёмонлашиб қолгани учун уни касалхонага юбориш зарур бўлса, болани жўнатиш олдида мускул орасига гентамицин ва ампициллинни юборинг.
- Боланинг нафаси тезлашган бўлсаю, танасининг ҳарорати билан иштаҳаси ўзгармаган бўлса, боланинг мускуллари орасига гентамицин ва ампициллинни юбориб, уни касалхонага жўнатиш. Болани касалхонага жўнатишдан аввал унинг сўнгги 2 кун давомида антибактериал дори воситасини олган ёки олмаганини онасидан сўраб кўринг.

а) Эҳтимол, бола бирор муаммо бўлганлигидан антибактериал дори воситасини олмагандир ёки уни жуда кам, ё бўлмаса, ҳаддан ташқари узоқ вақт оралатиб олгандир. Бу ҳолда мазкур болага худди шу дори воситасининг ўзини яна бир марта буюриб кўриш мумкин.

Антибактериал дори воситасининг биринчи дозасини тиббий муассасада беринг. Препаратни қандай қилиб ва қачон бериш кераклигини онасига ўргатинг. Болани 2 кундан кейин яна тиббий муассасага олиб келишни онасидан илтимос қилинг.

б) Бола антибактериал дори воситасини олган бўлсаю, аҳволи яхшиланмаган бўлса, уни касалхонага юборинг.

Пневмония билан оғриган болада сўнгги 3 ой давомида қизамиқ бўлган бўлса, уни касалхонага юборинг.

- Болада нафас **ҳаракатларининг сони камайиб, танасининг ҳарорати пасайган** (яъни иситмаси тушган ёки батамом барҳам топган) ва **иштаҳаси яхшиланган бўлса**, бу боланинг аҳволи **яхшиланиб** келаётган бўлади. Бола йўталиб туриши мумкин, лекин соғайиб келаётган болаларнинг кўпчилигида нафас ҳаракатларининг тезлашгани барҳам топиб кетади. Антибактериал препаратлар қабул қилишни бола 5 кундан кейин тўхтатиши кераклигини онасига тушунтиринг. 5 кунлик даво курсини батамом охирига етказиш муҳимлигини онасига яна бир қарра уқдириб қўйинг.



## МАШҚ А

Пневмония маҳалида кейинги кузатув учун олиб келинган ҳамма болалар тўғрисидаги маълумотларни ўқиб чиқинг. Кейин ҳар бир болани қай тариха даволаб борган бўлар эдингиз, деган саволга жавоб беринг. Зарур бўлса, беморларни даволашга доир тегишли схемалардан фойдаланинг.

Мазкур тиббий муассаса ихтиёрида пневмонияга даво қилиш учун болаларга мўлжалланган амоксициллин таблеткалари бор.

1. Пўлатнинг онаси болани кейинги кўрик учун тиббий муассасага олиб келди. Боланинг ёши бир ёшда. Икки кун илгари унинг касаллиги ПНЕВМОНИЯ деб топилган ва унга амоксициллин берилган эди. Сиз, бола ўзини қандай сезаяпти, унда янги муаммолар пайдо бўлдими ёки йўқми, деб сўраб кўрдингиз. Онаси жавоб бериб, Пўлат анча яхши бўлиб қолди, деб айтди.

а) Бугун Пўлатнинг аҳволини Сиз такроран қандай баҳолаган бўлар эдингиз? Текшириб кўриладиган ҳамма белгиларни санаб ўтинг ва боланинг онасига бериладиган саволларни ёзиб олинг.

Пўлатнинг аҳволига баҳо берар экансиз, унда ҳеч қандай умумий хавф белгиларини топганингиз йўқ. Бола ҳамон йўталиб турибди ва йўтали тахминан 10 кундан бери давом этади. Бола нафас ҳаракатларининг сони 38 та ва унда кўкрак қафасининг тортилиши йўқ, стридор ҳам йўқ. Онаси Пўлатнинг иситмаси йўқ, дейди. Пўлат яхши эмар ва бир оз овқат ҳам ер экан (авваллари ҳар қандай овқатдан бош тортар эди). Бугун эрталаб бола акаси билан ўйнабди.

б) Пўлатдаги бугунги белгиларга асосланиб, уни қандай даволаш лозим?

2. Аҳмадни пневмония вақтида кейинги кузатув учун тиббий муассасага олиб келишди. Бола уч яшар, оғирлиги 12,5 кг. Қўлтиғи тагидан ўлчанган тана ҳарорати 37°C. Бола амоксициллин қабул қилган. Онаси болам ҳали ҳам бетоб, у бугун икки марта қайт қилди, деб айтди.

а) Бугун Аҳмаднинг аҳволини Сиз такроран қандай баҳолаган бўлар эдингиз? Текшириб кўриладиган ҳамма белгиларни санаб ўтинг ва боланинг онасига берадиган саволларингизни ёзинг.

Аҳмаднинг аҳволига такрор баҳо берганингизда унинг суюқлик ича олиши ва ҳар қандай суюқликни ичганидан кейин қайд қилмаслигини аниқладингиз. Болада шайтонлаш бўлмаган. У летаргик ҳолатда эмас ва хуши жойида. Бола йўталиб турибди ва йўтали тахминан 2 ҳафтадан бери давом этмоқда. Аҳмадда нафас ҳаракатларининг сони минутига 55 марта. Кўкрак қафасининг тортилиши бор. Болада стридор йўқ. Онасининг гапларига қараганда, боланинг бадани баъзан қизиб туради. Боланинг аҳволи яхшиланмаётгани учун онаси жуда хавотирда. Сўнгги 2 кун давомида Аҳмад овқатни унча хушламай қўйибди.

б) Аҳмаднинг аҳволи ёмонлашганми, яхшиланганми ёки ўзгаришсиз қолганми?

в) Сиз Аҳмадни қандай даволашингиз керак? Агар унга дори препаратини буюрадиган бўлсангиз, дорининг дозасини кўрсатинг.

3. Салтанатни тиббий муассасага кейинги кўрув учун олиб келишди. Бу қизча 20 ойлик. 2 кун илгари бу қизчанинг касаллиги пневмония деб таснифланган ва унга амоксициллин буюрилган эди. Онаси қизча бугун ўзини бир оз яхши сезаяпти, деб айтди, танасининг ҳарорати 37,5°C.

а) Бугун Салтанатнинг аҳволини Сиз такроран қандай баҳолаган бўлар эдингиз? Текшириб кўриладиган ҳамма белгиларни санаб ўтинг ва боланинг онасига бериладиган саволларни ёзиб олинг.

Салтанатнинг аҳволига такрор баҳо берганингизда унда ҳеч қандай умумий хавф белгилари топилгани йўқ. Қизчада 5 кундан бери давом этаётган йўтал бор. Салтанатда нафас ҳаракатларининг сони минутига 36 марта. Унда кўкрак қафасининг тортилиши йўқ ва стридор йўқ. Онасининг гапларига қараганда, боланинг иситмаси пасайган ва у бироз овқат ейдиган бўлган.

б) Салтанатдаги бугунги белгиларга қараб уни қандай даволаш керак?

Бу машқни бажариб бўлганингиздан кейин ишингизни ўқитувчи билан муҳокама қилиб чиқинг.
--

## 2.0. ЧЎЗИЛУВЧАН ДИАРЕЯДА КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ЎТКАЗИНГ

ЧЎЗИЛУВЧАН ДИАРЕЯ билан оғриган бола кейинги кузатув учун яна тиббий муассасага келганида қуйидаги йўл-йўриқларга амал қилинг:

Сўранг:

- Диарея тўхтадимми?
- Бир кунда боланинг ичи неча марта суюқ келади?

Даволаш:

- Агар диарея тўхтамаган бўлса (**боланинг ичи ҳали ҳам кунига 3 марта ва ундан кўпроқ суюқ бўлиб келаётган бўлса**), боланинг аҳволига такроран тўла баҳо бериб чиқинг. Бунда, боланинг аҳволига *БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ* схемасида баён этилганидек, тўла-тўқис баҳо бериб чиқиш керак бўлади. Дарҳол аҳамият беришни талаб қиладиган ҳамма муаммоларни ҳал қилинг, масалан, сувсизланишни аниқлаб олинг ва уларга даво қилинг. Кейин болани касалхонага юборинг.
- Агар диарея тўхтаган бўлса (**боланинг ичи кунига 3 мартадан камроқ суюқ бўлиб келаётган бўлса**), шу ёшдаги болаларни боқишга доир одатдаги тавсияларга мувофиқ болани овқатлантириб боришни **ва 14 кунгача витаминлар, минералларни (цинк қўшиб) беришни** онасига тайинланг. Бола тўғри овқатланмаётган бўлса, бу ҳолда Сиз болани боқиш юзасидан *МАСЛАҲАТ БЕРИНГ* схемасида келтирилган тавсияларни онага тушунтириб беришингиз керак.



## МАШҚ Б

ЧЎЗИЛУВЧАН ДИАРЕЯДА кейинги кузатув учун тиббий муассасага олиб келинган ҳамма болалар тўғрисидаги маълумотларни ўқиб чиқинг ва саволларга жавоб беринг. Агар зарур бўлса, касалларни олиб боришга доир исталган схемадан фойдаланинг.

Оғир сувсизланиш билан оғриган болаларни мазкур тиббий муассасада касалхонага юборишларининг сабаби шуки, ундаги тиббий ходимлар томирдан ёки назогастрал йўл билан дори юбориб қилинадиган давони уддалай олмайдилар. Томирдан дори бериб қилинадиган давони яқин-атрофдаги касалхонада ўтказиш мумкин.

1. ЧЎЗИЛУВЧАН ДИАРЕЯДА Сардорни 5 кундан сўнг кейинги кузатув учун тиббий муассасага яна олиб келишди. Бу бола 9 ойлик, оғирлиги 7,5 кг. Танасининг ҳарорати бугун 36,5°C. Бу бола энди эмизиб боқилмайди. Онаси унга кунига 2 маҳал ширгуруч ва 4 маҳал сут ўрнини босадиган омухта беради. Бундан 5 кун илгари болани кўрганингизда болага витаминлар, минераллар (цинкни қўшиб) ва сутни одатдаги ҳажмининг фақат ярми миқдорида беришни онасига маслаҳат қилган эдингиз. Шунингдек, Сиз сутнинг ярми ўрнига болани ўсимлик мойи қўшилган ширгуруч билан, ёғсиз гўшти, картошка ёки сабзи пюреси билан қўшимча равишда овқатлантириб боринг, деб маслаҳат берган эдингиз.

а) Сардорнинг аҳволига такрор баҳо беришнинг биринчи босқичи қанақа?

б) Онасининг гапларига қараганда, Сардорда диарея давом этиб келаяпти. Бу ҳолда Сиз нима қилишингиз керак?

Сардорнинг аҳволига Сиз, *БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ* схемасида баён этилганидек, такрор марта тўла баҳо бериб чиқдингиз. Болада умумий хавф белгилари йўқ деб топдингиз. Болада йўтал ҳам йўқ. Диареяни такрор марта баҳолаётганингизда онаси “Сардорда диарея тахминан 3 ҳафтадан бери давом этапти” деб айтди. Ахлатда қон йўқ.

Сардор безовта ва ортиқ даражада инжиқ. Унинг кўзлари киртайган. Унга сув бериб кўрганингизда бола бир ҳўплам ичди, лекин унда чанқоқлик йўқ. Терисининг бурмаси

дархол текисланади. Болада иситма йўқ, кулоққа алоқадор муаммолар ҳам йўқ, унинг касаллиги КАМВАЗНЛИК ЙЎҚ ЁКИ КАМҚОНЛИК ЙЎҚ деб таснифланган. Онасининг гапларига қараганда, Сардорда бошқа ҳеч қандай муаммолар йўқ.

в) Сардор сувсизланганми?

г) Сиз Сардорни қандай даволайсиз?

д) Такрор марта баҳо бера туриб, Сардорда ўртача даражадаги сувсизланиш борлигини топган бўлсангиз, уни касалхонага жўнатишдан олдин нима қилган бўлар эдингиз?

2. Лазиз 18 ойлик, оғирлиги 9 кг. Танасининг ҳарорати бугун 36°C. Унинг амбулатория картасига 2 кун илгари боланинг касаллиги диарея деб таснифланган ва СУВСИЗЛАНИШ ЙЎҚ, КАМВАЗНЛИК ЙЎҚ ЁКИ КАМҚОНЛИК ЙЎҚ деб ёзилган. 2 кун даволаганидан кейин уни онаси тиббий муассасага яна олиб келди. Сиз болада янги муаммолар пайдо бўлдимми ёки йўқми, деб сўраб кўрганингизда онаси “Лазиз шамоллаб қолиб, йўталапти” деди.

а) Лазизнинг аҳволини Сиз қандай баҳолаган бўлар эдингиз?

Лазизнинг аҳволини баҳолашда унда умумий хавф белгиларини топганингиз йўқ. Бола минутига 35 марта нафас олмоқда. Унда кўкрак қафасининг тортилиши йўқ, стридор ва астмоид нафас йўқ. Диарея тўғрисида суриштириб кўрганингизда онаси болада диарея давом этаётганини, лекин камайиб қолганини айтди. Болада сувсизланиш белгиларини топганингиз йўқ. Унда иситма ҳам йўқ. Қорин оғриғи камайган. Лазизнинг иштаҳаси очилиб қолди. Онасининг гапларига қараганда, Лазиз шамоллаб қолганини ҳисобга олмаса, ўзини анча яхши ҳис қиляпти.

б) Лазиздаги диареяга даво қилиш учун Сиз нима қилган бўлар эдингиз?

в) Унинг йўталини қандай таснифлаган бўлар эдингиз?

г) Лазизнинг йўтали ва шамоллашига қандай даво қилиш кераклигини бирма-бир санаб ўтинг.

3. Ботир бир яшар, оғирлиги 8 кг. Бундан 5 кун илгари унинг касаллиги ЧЎЗИЛУВЧАН ДИАРЕЯ деб таснифланган. Онаси кейинги кўрув учун болани тиббий муассасага яна олиб келган. Ботир ҳозир кўкрак эммайди. Онаси болани сут билан одатдагича боқиш ўрнига унга кефир берадиган бўлганини Сизга айтди. У болага ширгуруч, оилага тайёрланган овқатлардан озроқ, жумладан қайнатиб пиширилган сабзавотлар ҳам берар экан. Онаси Ботирда диарея тўхтади, кеча фақат бир марта ичи келди, деб айтди. Боланинг касаллигидан онаси энди хавотир олмайди. Болада ҳеч қандай янги муаммолар йўқ.

а) Ботирнинг ахволига яна баҳо бериб чиқишингиз керакми? Агар керак бўлса, нималар қилган бўлар эдингиз, тасвирлаб беринг.

б) Ботирни овқатлантириб бориш хусусида онасига қандай йўл-йўриқлар берасиз?

Бу машқни бажариб бўлганингиздан кейин ишингизни ўқитувчи билан муҳокама қилиб чиқинг.
--

### 3.0. ИСИТМАДА КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ЎТКАЗИНГ

Касаллиги ИСИТМА деб таснифланган болаларнинг ҳаммаси, агар иситма 2 кундан бери давом этаётган бўлса, кейинги кузатув учун тиббий муассасага яна келишлари керак. Иситма бола биринчи марта келганидан кейин ҳисоблаганда 2 кундан бери давом этаётган бўлса, бу – биринчи сафар келган пайтида симптомлари ҳали билинмай турган касаллик аломати бўлиши мумкин.

Боланинг биринчи ташрифи пайтида унда ҚИЗАМИҚ топилган бўлса, бу иситма қизамиқ туфайли бошланган бўлиши мумкин. Қизамиқ туфайли бошланган иситма жуда кўп ҳолларда бир неча кун давом этиб боради.

Касаллиги ИСИТМА деб таснифланган болани такрор текшириб кўриш учун йўл-йўриқлар:

**Агар иситма 2 кундан кўпроқ сақланиб қолса:**

- Боланинг аҳолини тўлиқ қайта баҳоланг → *БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ* схемасига қаранг.
- Иситманинг бошқа мумкин бўлган сабабларини баҳоланг.

Боланинг аҳолига *БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ* схемасида баён этилганидек, такрорий марта тўла баҳо бериб чиқинг. Боланинг аҳолига такрор марта баҳо бериш вақтида иситманинг сабабини излаб кўринг: болада пневмония, менингит, қизамиқ, кулоқ ёки томоқ инфекцияси ёки дизентерия бўлиши мумкин. Шунингдек, болада иситмага сабаб бўла оладиган бошқа муаммолар: масалан, сил, сийдик йўллари инфекцияси, остеомиелит ёки абсцесс бор-йўқлигини ҳам аниқланг. Боланинг иситмасини таснифлаш учун *БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ* тасниф жадвалидан фойдаланманг. Бунинг ўрнига кейинги кўрув рамкасида келтирилган тегишли давони танланг. Агар Сиз иситманинг сабаби бошқа бўлиши мумкин, деб гумон қилаётган бўлсангиз, муаммога яна баҳо бериб кўринг ва зарур бўлса, ушбу муаммони даволашга оид ҳар қандай йўл-йўриқлардан фойдаланинг.

**Даволаш:**

- Болада **ҳар қандай умумий хавф белгиси ёки энса мускулларининг ригидлиги** бўлса, буни *БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ* схемасидаги **ЖУДА ОҒИР ФЕБРИЛ КАСАЛЛИК сингари даволанг**. Бундай даво тўғри келадиган антибактериал препаратнинг биринчи дозаси билан, ҳарорати баланд бўлса парацетамол дозаларини беришни ўз ичига олади. Болани зудлик билан касалхонага юборинг. Бола антибактериал препаратни олаётган бўлсаю, лекин касаллиги оғирлашиб, иситмали жуда оғир касаллик даражасига етиб қолса, бу – шу болада мазкур антибактериал препарат қор қилмайдиган бактериал инфекция бўлиши мумкинлигини билдиради. Бундай ҳолатда боланинг мушаклари орасига гентамицин ва ампициллинни юборинг. Агар боланинг тез-тез қусаётгани, летаргик ҳолатда ёки беҳуш бўлиб ётгани, яъни суюқлик ича олмайдиган бўлгани учун унга оғиз орқали ичириладиган антибактериал препаратни бериб бўлмаса, мушаклари орасига гентамицин ва ампициллинни юборинг. Боланинг энса мускулларида ригидлик бўлганида ҳам мушаклари орасига гентамицин ва ампициллинни юборинг.
- Болада иситманинг **бошқа ҳар қандай сабаблари бўлса, бунга ҳам даво қилинг**. Масалан, кулоқ ёки томоқ инфекциясига даво қилинг ёки бошқа муаммоларга, масалан, сийдик йўллари инфекцияси ёки абсцессга даво қилиш учун болани касалхонага юборинг.

- Агар иситма 7 кун ёки бундан ортиқроқ вақт мобайнида ҳар куни давом этаверадиган бўлса, болани текшириш учун поликлиникага юборинг. Бундай болада тиф (терлама) инфекцияси ёки диагностика мақсадида қўшимча текшириб кўриш ва алоҳида даволашни талаб қиладиган бошқа оғир инфекция бўлиши мумкин.
- Агар болада иситманинг бошқа сабаблари бўлмаса, иситма барҳам топмаган тақдирда 2 кундан кейин яна келишни онага маслаҳат беринг.



## МАШҚ В

ИСИТМА вақтида такрор текшириб кўриш учун тиббий муассасага яна олиб келинган ҳамма болалар тўғрисидаги маълумотларни ўқиб чиқинг ва саволларга жавоб беринг. Агар зарур бўлса, касалларни даволаш хусусидаги ҳар қандай схемалардан фойдаланинг.

Мазкур тиббий муассасада парацетамол ва пневмонияга даво қилиш учун ичириладиган антибактериал препарат – амоксициллин бор.

1. Нодирда ҳамон иситма давом этаётгани учун уни онаси тиббий муассасага яна олиб келди. АСОРАТСИЗ ИСИТМАГА даво қилиш учун 2 кун илгари бу болага юқори ҳароратда парацетамол дозаси берилган эди. Онасининг гапларига қараганда, болада томоқ оғриғи, шунингдек иситма бор. Нодир 3 яшар, оғирлиги 14 кг. Қўлтиғи тагидан ўлчанган тана ҳарорати 38,5°C.

а) Нодирнинг аҳволини Сиз такрор марта қандай баҳолаган бўлар эдингиз?

Нодирнинг аҳволини такрор марта баҳолаб кўрганингизда умумий хавф белгиларини топмадингиз. Болада йўтал йўқ, диарея ҳам йўқ. Иситма унда 4 кундан бери давом этиб келади. Болада энгса мускулларининг ригидлиги йўқ. Нодирда тумов йўқ, кўзлари кизармаган, баданида тошма ҳам йўқ. Қулоққа алоқадор муаммолар ҳам унда йўқ. Нодирда томоқ оғриғи бор. Кўздан кечириб кўрганингизда томоғида йиринг борлигини топдингиз ва бўйин лимфа тугунларининг катталашиб қолганини сездингиз.

б) Нодирга Сиз қандай даво қилган бўлар эдингиз? Унга дори препарати буюрадиган бўлсангиз, дозасини ва препаратни ишлатиш графигини кўрсатинг.

2. Наргизада иситма ҳамон давом этаётгани учун уни онаси тиббий муассасага яна олиб келди. АСОРАТСИЗ ИСИТМАГА даво қилиш учун 2 кун илгари кизчага юқори ҳароратда парацетамол дозаси берилган эди. Онасининг гапларига қараганда, кизчанинг аҳволи ёмонлашган, у қусади, бадани ҳам жуда қизиб турибди. Наргиза 18 ойлик, оғирлиги 11 кг. Қўлтиғи тагидан ўлчанган тана ҳарорати бугун 39°C.

Наргизанинг аҳволига баҳо бераётганингизда онаси қизча кеча сув ича оларди, лекин эмганидан кейин қусиб юборди, деб айтди. Бола бир оз миқдор суюқлик ичганидан кейин доим қусавермас экан. Қизчада шайтонлаш бўлган эмас. Онаси уни уйғотишга уриниб кўрганида Наргиза уйғонмади. Бола ўзини билмай ётибди. Онасининг сўзларига қараганда, бу қизчада йўтал ёки диарея йўқ. Иситмаси 5 кундан бери давом этади. Қизчанинг энса мускулларида ригидлик йўқ, тумов йўқ, кўзлари қизарган эмас, баданида тошма ҳам йўқ. Унда кулоққа алоқадор муаммолар ва томоқ оғриғи ҳам йўқ. Боланинг касаллиги КАМВАЗНЛИК ЙЎҚ ЁКИ КАМҚОНЛИК ЙЎҚ деб таснифланади.

Наргизага Сиз қандай даво қилган бўлар эдингиз? Унга дори препарати буюрадиган бўлсангиз, дозасини ва препаратни ишлатиш графигини кўрсатинг.

3. Маҳмудда иситма чиқиб тургани учун 2 кун илгари онаси уни шаҳар тиббий муассасасига олиб борган. Қўлтиғининг тагидан ўлчанган тана ҳарорати  $37,5^{\circ}\text{C}$  эди. Болада умумий хавф белгилари ёки бошқа асосий симптомлар бўлмаган. Маҳмуднинг бўйин мускулларида ригидлик йўқ, тумов йўқ, кўзлари қизарган эмас, баданида тошма ҳам йўқ эди. Тиббий ходим Маҳмуднинг касаллигини АСОРАТСИЗ ИСИТМА деб таснифлади.

Маҳмудда иситма давом этаётгани учун онаси уни тиббий муассасага яна олиб келди. Тиббий ходим Маҳмудда қандай бўлмасин бошқа касаллик пайдо бўлдими-йўқми, деб сўраб кўрди. Онаси бола ортиқ даражада инжиқ деб жавоб берди. Бу бола 11 ойлик, оғирлиги 8 кг. Қўлтиғининг тагидан ўлчанган тана ҳарорати бугун  $38,5^{\circ}\text{C}$  даража.

а) Тиббий ходим Маҳмуднинг аҳволини қандай баҳолаши керак?

Тиббий ходим Маҳмуднинг аҳволига баҳо берар экан, умумий хавф белгиларини топмади. Онасининг гапларига қараганда, болада йўтал ва диарея йўқ. Иситмаси 3 кундан бери давом этади. Маҳмуд бўйинини бемалол энгаштиради. Унда тумов йўқ, кўзлари қизарган эмас, баданида тошмалар ҳам йўқ. Боланинг касаллиги КАМВАЗНЛИК ЙЎҚ ЁКИ КАМҚОНЛИК ЙЎҚ деб таснифланади.

Тиббий ходим онанинг сўзларини диққат билан тинглаб, Маҳмудни кўздан кечиришни давом эттирди ва иситмага нима сабаб бўла олганини излаб кўрди. Текшириш давомида у боланинг ўнг кулоғидан йиринг келаётганини топди.

а) Тиббий ходим кейин нима қилиши керак?

Тиббий ходим боланинг қулоғига алоқадор муаммога баҳо берди. Боланинг қулоғида йиринг 1 кун илгари бошланган. Онасининг сўзларига қараганда, бола қулоғи оғриётгани учун ортиқча инжиқ бўлиб қолган бўлиши мумкин. Боланинг қулоғи орқасида шишиб, безиллаб турган жойи йўқ.

а) Тиббий ходим қулоққа алоқадор муаммони қандай таснифлаши керак?

б) Тиббий ходим Маҳмудни қандай даволаши керак? Унга дори препарати буюриладиган бўлса, дозасини ва препаратни ишлатиш графигини кўрсатинг.

Бу машқни бажариб бўлганингиздан кейин ишингизни ўқитувчи билан муҳокама қилиб чиқинг.

#### 4.0. КЎЗ ВА ОҒИЗГА АСОРАТ БЕРГАН ҚИЗАМИҚДА КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ЎТКАЗИНГ

Касаллиги КЎЗ ВА ОҒИЗГА АСОРАТ БЕРГАН ҚИЗАМИҚ деб таснифланган бола кейинги кузатув учун 2 кундан сўнг тиббий муассасага яна келганида қуйида кўрсатилган йўл-йўриқларга амал қилинг:

- Кўздан кечиринг, кўзларнинг қизариши ва йиринглашуви борми?
- Кўздан кечиринг, оғзида яралар борми?
- Оғзидан ҳид келяптими?

##### **Кўз инфекциясига даво қилиш:**

- **Агар кўзларнинг йиринглашуви давом этаётган бўлса**, боланинг онасидан унинг қандай даво қилганини тасвираб беришни илтимос қилинг. Агар онаси тетрациклин суртмали тубикни ўзи билан олиб келган бўлса, даволаш учун бу суртма ишлатилган-ишлатилмаганини текшириб кўришингиз мумкин. Зарур давони она тўғри ўтказа олмаганига сабаб бўлган муаммолар бордир, балки. Масалан, у кунига уч марта кўзга дори қўя олмаган ёки суртма қўйишдан олдин кўзни юва олмаган, ё бўлмаса, бола қаршилиқ кўрсатгану, она дорини ишлата олмаган бўлиши мумкин.
- Кўз инфекциясига она 2 кун давомида тўғри даво қилган бўлсаю, кўзнинг йиринглашуви аввалгидек давом этаётган бўлса, болани касалхонага юборинг.
- Агар кўзнинг йиринглашуви тўхтаган, лекин кўзлар ҳали ҳам қизариб турган бўлса, давони давом эттиринг. Давонинг наф бераётганини онага тушунтиринг. Кўзларнинг қизариши батамом барҳам топиб кетгунича тўғри давони давом эттириб боришни унга маслаҳат беринг.
- Агар кўзларнинг йиринглашуви ва қизариши барҳам топган бўлса, давони тўхтатинг. Кўзга тўғри даво қилгани учун онани мақтаб қўйинг. Инфекция барҳам топиб кетганини унга тушунтиринг.

##### **Оғиз яраларига даво қилинг:**

- **Яралар ёмонлашиб қолган ёки оғиздан чирик ҳид келаётган бўлса**, болани касалхонага юборинг. Оғиздаги яралар боланинг еб-ичишига халал бериши ва зўрайиб кетиши мумкин. Оғиздан жуда кучли чирик ҳид келиши оғир инфекциядан дарак бериши мумкин. Қизамиқда пайдо бўлган оғиз муаммолари, молочница ёки герпес (иситма чиқиб, лабларга учук тошишига сабаб бўладиган вирус) билан асоратланиши мумкин.
- **Яралар ўзгаришсиз қолган ёки тузалиб келаётган бўлса**, ярмига сув қўшиб суюлтирилган, яъни, 0,25% ли генцианвиолет билан ҳаммаси бўлиб 5 кун даволашни давом эттиринг.

Ўткир касаллик вақтида йўқотилган вазнини аслига келтириш ва озикланишнинг бузилишини олдини олиш учун она болани тегишлича овқатлантириб боришни давом эттириши керак. Қайси пайтларда тиббий муассасага яна мурожаат қилиш лозимлигини ва болани *ОНАГА МАСЛАҲАТ БЕРИНГ* схемасида тасвирлангандек қилиб, қай тариха овқатлантириш кераклигини онага тушунтириб беринг. Қизамиқ билан оғриган болаларда озикланишнинг

бузилиш эҳтимоли кўпроқ бўлганлигидан, бундай болаларни овқатлантиришга алоҳида аҳамият бериш кераклигини онага уқдилинг.

Қизамиқ билан оғриган болалар кейинги ойлар давомида яна касалланиб қолишга кўпроқ мойил бўлади, шунинг учун онанинг қандай белгилар пайдо бўлиб қолганида болани тиббий муассасага яна олиб келиш кераклигини билиб олиши жуда муҳим. Қизамиқ билан оғриган болалар асоратлар ёки янги муаммолар пайдо бўлишига анча мойил бўлади, чунки қизамиқ билан оғриб турганида ва ундан кейин организмнинг иммун тизими сусайиб қолади.

## 5.0. СТРЕПТОКОККЛИ ФАРИНГИТДА КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ЎТКАЗИНГ

Касаллиги СТРЕПТОКОККЛИ ФАРИНГИТ деб таснифланган бола тиббий муассасага 2 кундан сўнг кейинги кузатувга яна келганида қуйидаги йўл-йўриқларга амал қилинг:

- **Томоқ билан боғлиқ муаммоларни қайта баҳоланг** → *БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ* схемасига қаранг.
- **Боланинг ҳароратини ўлчанг.**

### Даволаш:

- Агар Сиз боланинг **ича олмаётганини** аниқласангиз, унда, эҳтимол, **ҳалқум абсцесси ривожланган** бўлиши мумкин. Юқори иситма ( $38,5^{\circ}\text{C}$  ва юқори) ҳам оғир касалликнинг сабаби бўлиши мумкин. Ича олмаётган ва иситмаси юқори бўлган боланинг аҳволи оғирлашган, у зудлик билан касалхонага юборишга муҳтож. Болани касалхонага юборишдан олдин мушак орасига гентамицин ва ампициллин юборинг.
- Боланинг **ҳарорати пасаймаган, томоғи ҳамон оғриб турган ёки ундаги ўзгаришлар сақланиб қолган бўлса**, эҳтимол, Сиз буюрган даво самара бермаяпти. Бундай болани текшириш учун мутахассисга, поликлиникага юборинг.
- Боланинг **ҳарорати пасайиб, томоқ оғриғи камайган бўлса**, буюрган орал антибактериал препаратни ва томоқни юмшатовчи хавфсиз воситаларни ҳаммаси бўлиб 10 кун давомида бериб туринг.
- Боланинг **ҳарорати пасаймаган, томоғи ҳамон оғриб турган ёки ундаги ўзгаришлар сақланиб қолган бўлса**, эҳтимол, Сиз буюрган даво самара бермаяпти. Бундай болани текшириш учун мутахассисга, поликлиникага юборинг.
- Боланинг **ҳарорати пасайиб, томоқ оғриғи камайган бўлса**, буюрган орал антибактериал препаратни ва томоқни юмшатовчи хавфсиз воситаларни ҳаммаси бўлиб 10 кун давомида бериб туринг.

## 6.0. ҚУЛОҚ ИНФЕКЦИЯСИДА КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ҰТКАЗИНГ

Касаллиги ҚУЛОҚ ИНФЕКЦИЯСИ деб таснифланган бола 5 кундан сўнг кейинги кузатув учун тиббий муассасага яна келганида қуйида келтирилган йўл-йўриқларга амал қилинг:

- **Қулоқ билан боғлиқ муаммони қайта баҳоланг** → БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ схемасига қаранг.
- **Боланинг ҳароратини ўлчанг.**
- Болани қайта кўрик вақтида **қулоқлари орқасида оғриб-безиллаб турган шишни топган бўлсангиз**, унда мастоидит бошланган бўлиши мумкин. Болада **баланд иситма** (қўлтиқ ости ҳарорати 38,5°C ва ундан юқори) **кузатилса**, унда оғир инфекция бўлиши мумкин. Қулоқнинг орқасида оғриқли шиши бўлган ёки ҳарорати юқори даражада иситмалаётган боланинг аҳволи ёмонлашган бўлади, **уни касалхонага юбориш зарур**. Касалхонага юборишдан олдин унга мушак орасига гентамицин ва ампициллинни юборинг.

### **ҚУЛОҚНИНГ ҰТКИР ИНФЕКЦИЯСИДА**

- Агар боланинг қулоғида оғриқ ҳам, қулоқ ажралмалари ҳам бўлмаса, давони тўхтатинг.
- Қулоқ оғриғи ва ундан йиринг ажралиши давом этаётган бўлса, буюрилган антибактериал препарат (амоксициллин таблеткаси) билан яна қўшимча 5 кун давомида даволанг. Болага тайинланган орал антибактериал препаратни она қанчадан ва неча марта бераётганини назоратга олинг. Қулоқни пилик ёрдамида қуритишни давом эттиринг. Онадан бола билан яна 5 кундан сўнг қайта келишини илтимос қилинг: бунда боланинг аҳволи ўзгаришсиз қолган бўлса, ёки оғирлашганини аниқласангиз, болани мутахассисга юборинг.

### **ҚУЛОҚНИНГ СУРУНКАЛИ ИНФЕКЦИЯСИДА**

- Онадан боланинг қулоғига офлоксацин қулоқ томчиларини кунига неча марта ва қанчадан томизганини, қулоқни пилик ёрдамида қандай қуритганини кўрсатиб беришини илтимос қилинг.
- Агар боланинг қулоғида оғриқ ва оқаётган ажралмалар бўлмаса, тўғри бажарилган даво учун онани мақтанг. Антибактериал давонинг (офлоксацин қулоқ томчилари) 14 кунлик курсини тўлиқ тугатишни онага маслаҳат беринг. Онани даволашни давом эттиришга унданг.
- Боланинг қулоғидан йиринг ажралиши давом этса ва аҳволининг ёмонлашуви кузатилса, уни мутахассисга юборинг.

## 7.0. БОЛАНИ ОВҚАТЛАНТИРИШ ХУСУСИДА МУАММОЛАР БЎЛГАНИДА КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ЎТКАЗИНГ

Овқатлантириш хусусида муаммоси бўлган бола кейинги кўрув учун 5 кундан сўнг тиббий муассасага яна келганида мана бу йўл-йўриқларга амал қилинг:

- Боланинг овқатланишини *МАСЛАҲАТ БЕРИНГ* схемасининг устки қисмидаги саволлар ёрдамида такрор баҳолаб чиқинг.
  - Боланинг амбулатория картасидан, болани овқатлантириш хусусида биринчи ташриф вақтида топилган ҳамма муаммоларнинг тасвири ва олдинги тавсиялардан фойдаланинг. Онанинг тавсияларни қандай бажарганини ундан сўраб, билиб олинг. Масалан, сўнгги ташриф вақтида болани кўпроқ фаоллик билан овқатлантириш тавсия этилган бўлса, ҳар сафар овқат вақтида болани ким ва қандай қилиб овқатлантирганини тасвирлаб беришни онадан илтимос қилинг.
- Болани овқатлантириш хусусида янги аниқланган ёки сақланиб келаётган ҳар қандай муаммо юзасидан онага маслаҳат беринг. Болани овқатлантиришга тараддуд кўраётганида она бирор хилдаги муаммоларга дуч келган бўлса, ўша муаммоларни ҳал қилиш йўллари у билан муҳокама қилиб кўринг. Масалан, болани кўпроқ фаоллик билан овқатлантириш кўпроқ вақтни бола билан ўтказишни талаб қиладиган бўлгани учун она бунга қийналадиган бўлса, овқат маҳалларини ўзгартириш йўллари муҳокама қилиб кўринг.
- Боланинг оғирлиги ёшига нисбатан олганда кам бўлса, биринчи ташрифдан ҳисоблаганда 14 кундан кейин яна келишни онадан илтимос қилинг. Бу сафарги ташриф вақтида тиббий ходим болани тортиб кўриб, вазнига вазн қўшилган-қўшилмаганини билади ва овқат маҳалларини ўзгартириш болага ёрдам берганми-йўкми, аниқлай олади.

Мисол:

Биринчи ташриф вақтида 2 ойлик гўдакнинг онаси ўз боласига кунига 2 – 3 марта шишачада бошқа сут беришини ва уни бир неча марта эмизишини айтди. Тиббий ходим болани кўпроқ ва узоқроқ эмизиб бориб, бошқа сут ёки овқат ҳажмини аста-секин камайтиришни, шунингдек шишачалар ўрнига пиёла ишлатишни онага маслаҳат берди.

Кейинги ташриф вақтида тиббий ходим онанинг болага ҳар кун неча мартадан бошқа овқатлар беришини, шунингдек кунига неча марта ва қанча вақтдан болани эмизиб туришини суриштириб кўрди. Она болага энди бошқа сутни кунига 1 марта бераётганини, лекин болани овқатлантириш учун фақат пиёладан фойдаланаётганини айтди. У 24 соат ичида болани 6 марта ва бундан кўра кўпроқ эмизар экан. Тиббий ходим онани мақтади, кейин у болага бошқа сут беришни батамом тўхтатиб, болани 24 соатда 8 марта ва бундан кўпроқ эмизиб туришни онадан илтимос қилди. Бу нарса болани овқатлантиришни анча ўзгартирадиган бўлгани учун тиббий ходим онадан тиббий муассасага яна келиб кетишни сўради. Мана шу ташриф вақтида тиббий ходим онанинг болани етарлича тез-тез эмизадими-йўкми, текшириб кўради ва бола боқишнинг тўғри йўли танлаб олинганига уни янада кўпроқ ишонтиради.

## 8.0. КАМҚОНЛИКДА КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ЎТКАЗИНГ

Қўлининг кафтлари ўртача оқарган бола кейинги кузатув учун 14 кундан кейин тиббий муассасага яна келганида мана бу йўл-йўриқларга амал қилинг:

- Болага бериш учун онага темир препаратларини беринг ва унга қўшимча микдорда препарат олиш учун 14 кундан кейин яна келишни маслаҳат беринг.
- Она 2 ой давомида 14 кун оралаб тиббий муассасага яна келганида ҳар сафар унга темир препаратларини бериб туринг.
- Болада 2 ойдан кейин ҳам қўл кафтлари оқариб тураверадиган бўлса, уни текшириб қўриш учун касалхонага юборинг.

## 9.0. КАМВАЗНЛИКДА КЕЙИНГИ КУЗАТУВНИ ЎТКАЗИНГ

Касаллиги КАМВАЗНЛИК деб таснифланган бола кейинги кузатув учун 14 кундан кейин тиббий муассасага яна келиши керак. Болада уни овқатлантириш хусусида муаммолар бўлса, у тиббий муассасага эртароқ келиши лозим.

Баъзи тиббий муассасаларда болани овқатлантириш юзасидан режа асосида маслаҳатлар уюштирилади ва озикланишнинг бузилиши бор болалар тиббий муассасага кейинги кузатув учун ана шундай сеанслар вақтида яна келишлари керак. Махсус маслаҳатлар тиббий ходимга бола боқишдаги муаммоларни бир неча оналар билан муҳокама қилишга зарур вақт ажратиш ва болаларга тўғри келадиган озик-овқат маҳсулотларини мисол тариқасида намойиш этиш учун имкон беради.

КАМВАЗНЛИГИ БОР болаларни кейинги кузатув ўтказиш вақтида мана бу йўл-йўриқларга амал қилинг:

- Боланинг аҳолини баҳолаш учун уни тортиб кўринг ва оғирлиги ёшига нисбатан ҳали ҳам камлигича турибдими-йўқми, аниқлаб олинг.
- Шунингдек *МАСЛАҲАТ БЕРИНГ* схемасининг устки қисмидаги саволлар ёрдамида боланинг овқатланишини такрор марта баҳоланг.
- Боланинг **оғирлиги ёшига нисбатан энди кам бўлмаса**, онасини мақтанг. Болани овқатлантириш юзасидан киритилган ўзгартиришлар самарали бўлиб чиқибди. Болани унинг ёшига қараб берилган тавсияларга мувофиқ овқатлантириб бораверишни онадан илтимос қилинг.
- Боланинг **оғирлиги ёшига нисбатан илгаридегидек ҳали ҳам етишмайдиган** бўлса, бола боқиш хусусида аниқланган ҳамма муаммолар юзасидан онага маслаҳат беринг. Айни вақтда болага унинг ёшига тўғри келадиган озик-овқат маҳсулотларини бериш ва уни етарлича тез-тез овқатлантириб туришни онага ўргатиш керак бўлади. Шу билан бирга, онага болани қандай қилиб фаоллик билан овқатлантириш кераклигини ҳам ўргатиш лозим. Онага маслаҳат бериш вақтида бола боқишга доир муаммоларни, **ОНАГА МАСЛАҲАТ БЕРИНГ** бўлимида тасвирланганидек, ечиш йўллари кўрсатиш ҳам мумкин.
  - Болани бир ойдан кейин тиббий муассасага яна олиб келишни онасидан илтимос қилинг. Болани ҳар ойда кўздан кечириб туриш ва онаси уни тўғри

боқаётган, бола мунтазам равишда вазнига вазн қўшиб бораётган ёки оғирлиги ёшига нисбатан энди кам бўлмай қолган бўлса, онасини мақташ жуда муҳим.

- Боланинг оғирлиги камайишда давом этадиган бўлса ва уни боқишни қандай бўлмасин бирор тарзда ўзгартиришнинг иложиси бўлмаса, болани касалхонага ёки текширишга юборинг.

***Истисно:***

Мабодо, Сиз боланинг овқатланиши яхшиланишига шубҳа қилсангиз, ёки бола вазн йўқота бошласа, болани касалхонага юборинг.



## МАШҚ Ғ

Кейинги кўрик учун тиббий муассасага олиб келинган ҳамма болалар тўғрисидаги маълумотларни ўқиб чиқиб, саволларга жавоб беринг. Агар зарур бўлса, беморларни даволаш схемаларидан фойдаланинг.

1. Қосим 18 ойлик. Тиббий муассасада уни 5 кун илгари кўриб, кўздан кечириб чиқишган эди. Сиз бу боланинг касаллик тарихини ўқиб чиқиб, унда диарея бўлганини билиб олдингиз. Боланинг касаллиги СУВСИЗЛАНИШ ЙЎҚ ва КАМВАЗНЛИК деб таснифланган эди. Боланинг оғирлиги 8,2 кг экан. Унга А режа бўйича даво буюришган ва онаси уни овқатлантириб бориш юзасидан маслаҳат олган. Боланинг касаллик тарихига мана бундай деб ёзиб қўйилган:

*Кунига 3 маҳал овқат берилади – палов, карам шўрва, хўрда, компот. Овқат маҳаллари орасида ҳеч қандай емиш берилмайди. Ҳеч қанақа сут ҳам. Болани эмишига бундан 3 ой илгари барҳам берилган.*

*Кунига икки марта қўшимча равишда овқатлантириб бориш, кефир ёки сут билан нон, мевалар бериб туриш тавсия этилди.*

Қосимни овқатлантиришга оид муаммо бўйича кейинги кўрик учун тиббий муассасага яна олиб келишди. Унинг оғирлиги илгаридагидек 8,2 кг, бола ачинарли бўлиб кўринадию, лекин унда оғир озгинлик белгилари йўқ.

а) Мазкур текширув вақтида бажарилиши зарур бўлган ишларни белгилаб олинг:

\_\_\_ Сўраб кўринг, янги муаммолар борми. Агар бўлса, буларни худди биринчи ташриф вақтидагидек баҳолаб, таснифланг ва даволанг.

\_\_\_ **МАСЛАҲАТ БЕРИНГ** схемасининг устки рамкасида келтирилган саволларни бериб кўринг. Болани овқатлантиришга оид янги муаммоларни аниқлаб олинг.

\_\_\_ Онадан суриштириб, унинг болага ҳар куни қўшимча овқат бера олган ёки олмаганини билиб олинг. У Қосимни нима билан ва кунига неча марта овқатлантирганини сўранг.

\_\_\_ Қосимнинг вазнига вазн қўшилмай қўйгани учун уни дарҳол касалхонага юборинг.

\_\_\_ Онасига маслаҳат бериб, болани яна эмиза бошлаш кераклигини айтинг.

\_\_\_ Болага витамин А беринг.

\_\_\_ Қосимнинг вазнига вазн қўшилмай қўйгани учун онасига олдин берган маслаҳатларингизни такрорланг. Атворни ўзгартириш узоқ вақтни олади.

\_\_\_ Онадан суриштириб кўриб, болани овқатлантиришга доир қўшимча муаммоларни аниқлаб олинг.

\_\_\_ Болани овқатлантириш хусусида аниқланган барча муаммолар юзасидан тавсиялар беринг.

\_\_\_ Қосимда диарея давом этиптими-йўқми, сўраб кўринг.

Сиз онанинг болага кўшимча овқатлар берган-бермаганини ва берган бўлса, қандай озиқ-овқат маҳсулотларини берганини аниқлаб олиш учун ундан сўраб, суриштириб кўрасиз. Ҳар сафар бериладиган овқатнинг ҳажми қанчалигини, овқатни Қосим яхши ейиш-емаслигини ва еганида ўзининг ликобчасидан ейдими-йўқми, шуларни ҳам сўраб кўришингиз керак.

Онаси, Сиз маслаҳат берганингиздек, болага кунига икки маҳал олма, сариёғ сурилган нон бериб туришини билиб олдингиз. Бола олманинг фақат кичик бир бўлагини ейдию, овқатга ҳеч ҳам қарамайди. Онаси боланинг олдига овқат солинган ликобчани қўйиб кўядида, бошқа ишлар билан овора бўлиб кетади. У боласига ҳали на сут, на қатик берган эмас, лекин шундай қилиш ниятида.

б) Қосимнинг онасига Сиз бугун қандай маслаҳат берган бўлар эдингиз?

в) Қосимни Сизнинг олдингизга яна олиб келишни онасидан илтимос қилишингиз керакми? Агар керак бўлса, тиббий муассасага у қачон келиши керак? Нима учун?

2. Муҳаббат 10 ойлик. Унинг касаллик тарихида бу қизчанинг 6 кун илгари кўздан кечириб кўрилгани ёзиб қўйилган.

### **КЛИНИК ТЕКШИРУВ НАТИЖАЛАРИ**

3.06.2013й

Ҳарорати 39,0°С

Вазни –7,0 кг

*ПНЕВМОНИЯ ЙЎҚ, ЙЎТАЛ ЁКИ ШАМОЛЛАШ. АСОРАТСИЗ ИСИТМА.  
ЁШИГА НИСБАТАН ВАЗНИ КАМ, КАМҚОНЛИК ЙЎҚ*

*Давоси: Парацетамол, иситма сақланиб турса, 2 кундан кейин, бўлмаса 5, 14 кундан кейин яна келсин.*

*Овқати: кечқурун бир марта эмади; эрталаб шишачадан омухта сут ичади; тушликка – шўрва, бўтқа; кечки овқатга – шўрва, эзилган картошка. Тавсия этилди: эрталаб бир шишача омухта сут бериш ўрнига онасининг ишига кетишидан олдин эмизиш ва эмизиш маҳалларини кунига лоақал 6 мартагача кўпайтириш. Тушликка қадар сутли бўтқа бериш. Тушликка ёғсиз гўштли эзилган сабзавотлар ва бир қошиқ ўсимлик мойи. Кечки овқатга бир қошиқ ўсимлик мойи ёки сариёғ қўйиб бериш.*

Муҳаббатнинг оғирлиги бугун 7,0 кг. Унда иситма йўқ, ҳеч қандай янги муаммолар ҳам йўқ.

а) Муҳаббатни овқатлантириш яхшиланганми-йўқми, буни аниқлаб олиш учун онага бериб кўришингиз мумкин бўлган учта ёки бундан кўпроқ саволларни қуйига ёзиб қўйинг:

1.

2.

3.

Онаси кечки овқат учун эзилган сабзавотлар тайёрлаб, майин гўшт қиймаси ва ўсимлик мойи қўшиб беришини айтди. У ҳали ҳам шўрва пишириб туради (шўрва оилага керак). Ишга кетмасдан туриб Муҳаббатни эмизиш учун уни уйғотиш онасига ёқмайди, чунки бунда 10 яшар Шоира ҳам тонг ёришмасидан аввал туриб олиши ва болага қараши керак бўлади. Бироқ, она шундай қиладиган ва Муҳаббат энди эрталаб, кечкурун ва тунда кўкрак эмадиган бўлди. Шоира тушликка қадар болага сигир сути билан ширгуруч тайёрлайди. Тушда Муҳаббат шўрва ичади. Кейин қизча гўштли эзилган сабзавотлардан бир оз ейди.

б) Онага бугун қандай маслаҳат берган бўлар эдингиз? Уни қандай ҳаракатлари учун мақтаган бўлар эдингиз, буни ҳам ёзиб қўйинг.

Бу машқни бажариб бўлганингиздан кейин ишингизни ўқитувчи билан муҳокама қилиб чиқинг